

СУСПЕНЗИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МЕЪЁРЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИНИ КУЗГИ БУҒДОЙ БОШОҒИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Азимова Мадинабону Гуламджановна

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари

илмий-тадқиқот институти

қ.х.ф.ф. доктори, (DSc) докторант

Аннотация: Ушбу мақолада типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг Гром навида макро ва микроэлементли ўғитлардан тайёрланган суспензияларни қўллаш меъёрлари ва муддатларини кузги буғдойнинг буғдой бошоғининг кўрсаткичларига таъсири аниқланган.

Калит сўзлар : кузги буғдой, суспензия, макро ва микроэлементли ўғитлар, бошоғ, дон.

Галла халқ хўжалигининг турли тармоқларида қўлланилади. Дон массасининг асосини ташкил этувчи доннинг ҳажми ва сифати бир хил эмас. Доннинг сифат кўрсаткичлари унинг ўсимликда ривожланиши ва шаклланишидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Ҳар қандай кишлоқ хўжалиги экинининг қиймати фақат ундан олинган ҳосил миқдори билан эмас, балки маҳсулот сифати билан ҳам белгиланади.. Ҳақиқий вазн доннинг катталиги ва зичлигига, унинг сиртининг ҳолатига, тўлдириш даражасига ва дон таркибидаги намликнинг масса улушига боғлиқ Бизнинг дала тажрибамиз 2021-2022 йил Тошкент вилояти шароитида ПСУЕАИТИ тажриба участкасида ғўза қатор орасига кузги буғдой экилган далаларда олиб борилган. Тажрибада кузги буғдойнинг “Гром” нави экилган. Тажриба 16 та вариантдан иборат бўлиб, 3 ярус, 3 қайтариқда, делянкалар майдони $4,8 \times 30 = 144 \text{ м}^2$ ни, ҳисоблиси -48 м^2 ни ташкил этган. Тажрибада маъдан ўғитлар

билан биргаликда макро ва микроэлементли ўғитлардан тайёрланган суспензияларни турлари қўлланилди: Ўғитларнинг меъёрлари тажриба тизими асосида (муддат ва турли меъёрларда) қўлланилди Тадқиқот олиб борилган йилда (2022) пазорат вариантыда бир бошоқдаги донлар сони 24 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 24 г, бошоқ узунлиги 7 см, 1000 дона дон оғирлиги 32,6 г ни ташкил этган бўлса, карбамидни (2;3;4-вар) 4,0; 6,0; 8,0 кг/га қўллаганимизда, бир бошоқдаги донлар сони 26; 28; 26 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 25,4; 26,7; 26,4г, бошоқ узунлиги 8,1; 9,0; 7,1 см, 1000 дона дон оғирлиги 32,9; 35,1; 34,8 г ни ташкил этиб, назоратга нисбатан бир бошоқдаги донлар сони 2; 4; 2 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 1,4; 2,7; 2,4г, бошоқ узунлиги 1; 2; 0,1 см, 1000 дона дон оғирлиги 0,3; 2,5; 2,2 г га юқори бўлди.

IFO UAN 32 ни (5; 6; 7-вар) 2,0; 3,0; 4,0 л/га қўллаганимизда, бир бошоқдаги донлар сони 27; 30; 29 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 26,6; 27,5; 27,0г, бошоқ узунлиги 9,3; 9; 9; 9,4 см, 1000 дона дон оғирлиги 34,7; 37,9; 36,1 г ни ташкил этиб, назоратга нисбатан бир бошоқдаги донлар сони 3; 6; 5 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 2,6; 3,5; 3,0г, бошоқ узунлиги 2,3; 2,9; 2,4 см, 1000 дона дон оғирлиги 2,1; 5,3; 3,5 г га юқори бўлди.

IFOCOMBI Fe ни (8; 9; 10-вар) 2,5; 3,5; 4,5 л/га қўллаганимизда, бир бошоқдаги донлар сони 25; 27; 25 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 26,3; 27,0; 24,8г, бошоқ узунлиги 8,8; 9,0; 8,9 см, 1000 дона дон оғирлиги 35,1; 36,7; 33,2 г ни ташкил этиб, назоратга нисбатан бир бошоқдаги донлар сони 1; 3; 1 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 2,3; 3,0; 0,8г, бошоқ узунлиги 1,8; 2,1; 9,0 см, 1000 дона дон оғирлиги 2,5; 4,1; 0,6 г га юқори бўлди.

IFOMACROMIX ни (11; 12; 13-вар) 2,0; 3,0; 4,0 л/га қўллаганимизда, бир бошоқдаги донлар сони 25; 29; 28 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 26,2; 26,7 ; 24,1г, бошоқ узунлиги 9,0; 9,8; 9,1 см, 1000 дона дон оғирлиги 35,9; 37,4; 34,7 г ни ташкил этиб, назоратга нисбатан бир бошоқдаги донлар сони 1; 5; 4 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 2,2; 2,7; ; 0,1г,

бошоқ узунлиги 2;2,8;2,1см,1000 дона дон оғирлиги 3,3;4,8;2,1 г га юқори бўлди.

AMINOCAL ни(14; 15; 16-вар) 3,0; 4,0; 5,0 л/га қўллаганимизда,бир бошоқдаги донлар сони 27; 34; 26 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 25,2;27,1;26,6г, бошоқ узунлиги 8,8;10,0;8,9 см,1000 дона дон оғирлиги 34,9;35,2;33,9 г ни ташкил этиб, назоратга нисбатан бир бошоқдаги донлар сони 3; 10; 2 дона, бир бошоқдаги донлар оғирлиги 1,2;3,1;2,6г, бошоқ узунлиги 1,8;3,0;1,9см,1000 дона дон оғирлиги 2,3;2,6;2,1 г га юқори бўлди. Таъкидлаш жоизки, кузги буғдойга қўлланган макро ва микроэлементли ўғитлардан тайёрланган суспензияларимиздан назоратга ва олинган турли меъёрларига нисбатан карбамидни (3-вар) 6,0;8,0;10,0 кг/га меъёри, IFO UAN 32 ни(6-вар) 3,0; 3,5;4,0л/га, IFOCOMBI Fe ни (9-вар)3,5;4,0;4,5л/га меъёри,IFOMACROMIXни (12-вар) 3,0;3,5;4,0л/гамеъёри, AMINOCAL суспензиясини(15-вар) 4,0; 4,5 ва 5,0 л/га меъёрларини самараси бошқа вариантларга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди.

Адабиётлар

1. Б.М.Азизов,Р.Рўзиметов,Р.Ишчанов,А.Курбанов.Суғориладиган шароитда кечки азотли озиклантиришнинг кузги буғдой сифатига таъсири.” Пахтачиликдаги долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари”. мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами Тошкент, 2009 й. 322-323- б
2. М.М.Собиров, С.Р.Мирсалимова, Р.М.Назирова, С.М.Гаджиев Ж.Турғунбоев. Суспензияли комплекс ўғитлар олиш..Республика илмий ва илмий-техник анжумани материаллари.Фарғона 2017 йил 20-21 апрель 406-407.б
3. Дадахожаев А.Т., Эркаев А.У., Алиев А.Т., Ким Р.Н. Рекомендации по применению карбамидно-аммиачной селитры (КАС), Ташкент, 2006, 13с